



Янги лойиҳалар кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев 14 июнь куни соғлиқни сақлаш ва коммунал хизмат соҳаларидаги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти ва пойтахтимиз туманларида бўлганида, шунингдек, 28 май куни ўтган видеоселектор йиғилишида коммунал тармоқлари янгилаш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича кўплаб вазифалар қўйган эди. Шу борада мутасадди вазирлик ва ҳркимликлар томонидан бошқарув сервис компаниялари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Тошкент вилоятида 4 минг 938 та кўп қаватли уй бор. Уларга 36 та сервис компанияси ва 369 та ширкат хизмат кўрсатади. Ширкатларнинг ярмидан кўпи оғир аҳволда. Хизматлар ўз вақтида ва сифатли бўлмагани, замонавий ёндашувлар жорий этилмагани оқибатида истеъмолчилар норози.

Тадбирда ҳудуддаги шу каби камчиликлар танқид қилинди. Лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш, тизимни тўғри ташкил этиб, аҳолига қулайликларни ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Мамлакатимизнинг ҳорижий давлатлар билан алоқаларида ҳудудларро ҳамкорликни ривожлантиришга кенг имконият берилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси билан яқин шериклик йўлга қўйилган. Тақдиротда ушбу ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган иқтисодий ва инвестициявий лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Президентимиз лойиҳаларни танқидий баҳолаб, ҳамкорликни изчил кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари бундан бир ой олдин Республика иқтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига бориб, бу йўналишдаги шифохоналарда шароитларни яхшилаш бўйича топшириқлар берган эди. Улардан келиб чиқиб, 27 май куни Президентнинг "Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Маъмур қарорга мувофиқ, Республика иқтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази

зи учун янги бинолар қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Бунинг учун Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган ҳудудидан 5 гектардан зиёд ер ажратилган. Бинони лойиҳалаштиришда ҳорижий тиббиёт муассасаларининг илгор тажрибаси инобатга олинган.

Янги марказда позитрон-эмиссион томография, радиоизотоп текширишлар, занжир реакцияли анализаторлар, магнит-резонанс томография, ангиография учун замонавий ускуналар ўрнатилади. Иммуно-терапия, таргет терапия, чиқилган тезлаткич ёрдамида ва стереотаксик нур терапия, радиохirurgия каби янги даволаш услублари жорий этилади.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, барча ҳудудлардаги онкология шифохоналаридаги шароит, даволаш сифати ўрганилган. Бундай касалликлар бўйича энг кўп мурожаат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти филиалларига тўғри келган. Яъни уларда барча беморларнинг қарийб 37 фоизи даволанган.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти шифохоналарини ягона муассаса сифатида бирлаштириш таклифи билдирилди. Бунинг натижасида салохияти мутахассислар ва юқори технологик ускуналар бир жойда жамланиб, даволаш сифати ошади, беморлар сарсон бўлишининг олди олинади.

Малакали шифокорлар тайёрлашга қаратилган режалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Шу мақсадда Н.И.Пирогов номидаги Россия тиббиёт университети билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Ҳамкорлик доирасида келгуси икки йилда юртимиз талабаларини Россияга ўқишга юбориш, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳрида Пирогов номидаги университет филиалини очиб режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни маъқуллаб, уларни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Шунингдек, тақдиротда тижорат банклари томонидан шакллантирилган лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ислохотлари

Аввалига кўпчилик давлат раҳбарининг ислохотчилик ғайратига шубҳа билан қаради, аммо беш йилдан сўнг Ўзбекистон янги босқичга кўтарилди.

Ушбу феномени Тожикистоннинг "ASIA-Plus" мустақил медиа гуруҳи қузатувчиси Пайрав Чоршанбиев таҳлил қилди.

Президентимизнинг Тожикистонга расмий ташрифи пайтида чиққан мақолада Ўзбекистон раҳбарини мамлакатимизда ва дунёда кўпчилик ислохотчи деб билиши эътироф этилган. Шарҳловчи Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтган беш йилда Ўзбекистонни тубдан ўзгартирган бир неча муҳим қарорларга тўхталиб ўтган.

"Дастлаб Ўзбекистон янги Президентининг ислохотчилик кайфияти кўпчилик томонидан шубҳа билан қабул қилинди. Бироқ Шавкат Мирзиёев дастлабки кулардан оқибатда ўз мамлакатидоги вазиятни тубдан ўзгартира бошлади. Ва ислохотлар натижасида у Ўзбекистонни янги босқичга олиб чиқди" деб ёзади журналист.



Акс садо

Кадрлар сиёсати

Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгандан сўнг давлат бошқарувида ёш технократлар жалб этилганини таъкидлар экан, вазирлик ва идораларнинг аксарият раҳбарларини алмаштирди, деб ёзади муаллиф.

Ўзбек амалдорларининг қиёфаси ҳам ўзгаришни бошлади: энди Шавкат Мирзиёевнинг топшириғи билан улар ўз кабинетларида ўтирмай, аҳоли билан бевосита, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда ҳам фаол мулоқот қиломоқда, муаммолар ҳақида гапиришдан қўрқмамаяпти, нафақат ўзбек журналистлари, балки ҳорижий оммавий ахборот воситаларига ҳам интервьюлар беришмоқда.

Иқтисодий эркинлаштириш

Авалги раҳбарият даврида Ўзбекистон иқтисодиёти деярли ёпиқ эди. Миллий ўзбек валютаси конвертация қилинмасди, сўмнинг расмий ва норасмий курслари ўртасида катта фарқ мавжуд эди. Акқиз сиёсатидан фойдаланган ҳолда, мамлакат ички бозорига уч мингдан ортиқ турдаги товарларнинг кириб келишига йўл қўйилмасди. Республиканинг янги раҳбарияти эса иқтисодий эркинлаштириш сиёсатини олиб бормоқда. Хусусан, божхона ва акқиз тарифлари ўзгартириб борапти, дейилади материалда.

Ўзбекистон Президентининг Фармони билан ҳозирги кунда божхона маъмуричилигини ислох қилиш ва 2023 йил-

гача давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган концепция ижроси бажарилмоқда. Солиқ тизимида ҳам ислохотлар олиб бориляпти.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг аввалги солиқ тизими мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ҳеч қандай имконият қолдирмагани ва уни жаҳон иқтисодиётининг абадий хом ашё этказиб берувчиси, деган тамгага маҳкум этганини тан олди. 2018 йилдаги узоқ тортишувлардан сўнг Ўзбекистон раҳбари асосий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган солиқ ислохоти концепциясини тасдиқлади.

Технологиялар

Шавкат Мирзиёев янги технологияларни ривожлантириш, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қараяпти.

2019 йилда Ўзбекистонда биринчи бўлиб Тошкент шаҳрида дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки очилди. Ушбу IT-парк ҳудудда ишлайдиган компаниялар эса атиги саккиз фоиз солиқ тўлайди. Бу, Тошкент паркиннинг жадал ривожланиши, чет эл компанияларини жалб қилиш, ёш мутахассисларни тайёрлаш ҳамда яхши маош тўлашга имкон берди. Ушбу имтиёзли боғ ҳудудда Тожикистоннинг "Алиф" молиявий технологиялар компанияси ҳам фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 29 майда маъқуллашган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ЎРҚ-610-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 201-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

- 3-модда: қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин: «идентификацияловчи ID-картаси (бундан бўён матнда идентификацияловчи карта деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудда идентификацияловчи карта эгасининг шахсини ва фуқаролигини, шунингдек доимий рўйхатта олинганлигини тасдиқлайдиган, эгасининг шахсига доир биографик ва биометрик маълумотлар киритилган электрон жисмга (чипга) эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқаросига ёки чет давлат фуқаросига ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахсга бериладиган ҳужжат»;
- олтинчи — ўн иккинчи хатбошиларни тегишинча еттинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;
- 5-модда: биринчи қисмининг «б» бандидаги «доимий прописқадан ўтган» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

(Давоми 2-бетда).

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, САЛОҲИЯТНИ РЎЁБГА ЧИҚАРАМИЗ

Аёлларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш барқарор тараққиётга хизмат қилади.



Танзила НОРБОЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси

Хотин-қизлар сайёрамиз аҳолисининг ярмини ташкил этади ва шу билан инсоният тамаддунининг ярим салоҳиятини ҳам ўзида жамлаган. Гендер тенглиги жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, барқарор тараққиёт асосида иқтисодий имкониятларни тўла рўёбга чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Хотин-қизларни жамият ҳаётига кенг жалб этиш самарадорликни ошириши, тараққиёт сари етаклаши бугунги кунда исботланган ҳақиқат.

Тарих ва замонавийлик

Тадқиқотчилар қайд этишича, сайёрамизда ўз ёзуви, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларига эга бўлган тамаддун минг йилликлар давомида ҳукм суриб келаётганига қарамай, инсониятнинг тарихий силсиласи, асосан, эркак эзотининг илдириши ва ривож билан боғлиқ, деб ҳисобланади. Шундай узоқ давр ичида аёлнинг жамиятдаги ўрни етарлича тавсифланмаган.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари жамият ҳаётининг барча жаҳасида муҳимлиги, нозик жинс вакилларининг иқтисодиёт, фан, сиёсат ва маданиятга ижобий таъсири исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат сингари тасдиқланиши керакда. Аммо ушбу масалада жамият томонидан ягона тўхтамага келиш, бир мушт бўлиб ҳаракат қилиш ҳақида ҳали-ҳануз тўла асос билан гапира олмаймиз...

Брифинг

ЖОРИЙ ҲАФТА КҮН ТАРТИБИДАН ЎРИН ОЛГАН РАСМИЙ ТАДБИРЛАР

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Президент Матбуот котиби Шерзод Асадов журналистлар учун навбатдаги брифингни ўтказди.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлган ушбу тадбирда давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафтадаги фаолияти ҳамда бу ҳафта кутилаётган муҳим расмий тадбирлар бўйича қисқача ахборот берилди.

Қайд этилганидек, ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбари раислигида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2 та муҳим масала, биринчиси — қишлоқ ҳўжалиги, тадбиркорлик ва хизматларни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, иккинчиси — чорва, парранда ҳамда балиқ маҳсулотларини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари маданият соҳасига

оид лойиҳалар тақдироти билан танишиб, соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 9 июнь куни Қатар Давлати Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад бин Абдураҳмон Ол Соний бошчилигидаги делегацияни қабул қилгани, учрашувда, аввало, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, қўшма инвестиция жамғармаси ташкил этиб, замонавий ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш, мамлакатимиздаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш истиқболлари кўриб чиқилгани ҳам айтиб

ТОМОНЛАР ЎЗARO АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШДАН МАНФААТДОР ЭКАНЛИКЛАРНИ БИЛДИРДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик соҳасидаги жамғармаси ваколатхонаси (ЮНФПА) раҳбари Ю Ю билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Унда Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегиясини амалга оширишга қўмақлаштириш, бу борада ўзаро ҳамкорлик ва хотин-қизлар ҳуқуқларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ва ЮНФПА ўртасида Гендер зўравонликка барҳам бериш стандарт операциян тартиб-таомилларини кенгайтиришга доир ҳаракатлар режасини ўрганиш ва амалга оширишни давом эттириш юзасидан ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида фикр алмашилди.

Томонлар икки томонлама ҳамкорликнинг фойдаланилмаган салоҳиятига

урғу берди, тегишли йўналишларда аниқ қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришдан манфаатдор эканликларини билдирди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш, гендер зўравонликка барҳам бериш бўйича иш режаси кўриб чиқилди.

ЮНФПAnинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Ю Ю Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларни юқори баҳолади ва гендер тенгликка эришиш бўйича вазифаларни бажаришга тайёрлигини билдирди.

ҲАР БИР МАҚСАД — АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА

Авал хабар қилганимиздек, юртимизда Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳафталиги давом этапти. Ҳафталик доирасида Олий Мажлис палаталари қўмиталари томонидан барқарор ривожланиш соҳасидаги барча миллий мақсадлар бўйича туркум давра сўхбатлари ўтказилмоқда.

Ҳафталик

Аҳоли бандлигини таъминлашнинг долзарб масалалари

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Барқарор иқтисодий ўсишни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзусига бағишланган давра сўхбати ўтказилди. Унда маҳаллий ҳамда ҳорижий экспертлар маъруза, таклиф ҳамда тавсиялар билан иштирок этди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Жаҳон банки савдо, макроиктисодийёт ва инвестиция глобал амалиёти иқтисодчиси Виняяк Нагарадж, ХМТнинг Москвадаги Бюроси эксперт Рамиро Писарро, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистондаги миллий координатори Азизхон Хонжўжаев, тегишли вазирлик, идора ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Халқаро эксперт ва мутахассислар мулоқот мавзусидан келиб чиқиб, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, реал даромадини оширишга қаратилган давлат даражасидаги юксак эътиборни юқори баҳолади.

Барқарор ривожланиш соҳасидаги 8-мақсад сифатида "Самарали бандликни ошириш ҳамда эркаклар ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга қўмақлаштириш" белгиланган. Ушбу мақсаднинг ўзи 10 та долзарб йўналишни қамраб олган. Хусусан, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмининг аҳоли жамияти иқтисодий ўсишига қўмақлаштириш бўйича барқарор ҳамда эркакларни, шу жумладан, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни барқарор ҳамда самарали бандлик ва муносиб иш билан, шунингдек, тенг қийматли меҳнат учун тенг иш ҳақи тўлинишини таъминлаш устувор вазифалар сирасига қиради.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Иккинчи қисмидаги «доимий пропискада турганлик» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **6-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳамда муқаддам чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс хоҳиш билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

Узини Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикасида камидан ўн беш йил доимий яшаб келаётган ва мазкур давр мобайнида чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

Ота-онасидан бири (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ва Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган бола хоҳиш билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

Ушбу Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида ҳамда мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган фактларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ариза берувчи ушбу фактларни суд тартибда аниқлаши мумкин»;

4) **7-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, идентификацияловчи картаси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжуд эканлигини кўрсатувчи бошқа ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Куйидагилар ўн опти ёшга тўлмаган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар:

тутилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома (боланинг тутилган жойидан қатъи назар) – ота-онасидан бирининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги мавжуд эканлигини кўрсатувчи паспорти, идентификацияловчи картаси ёки бошқа ҳужжати кўрсатилганда;

тутилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома (бола Ўзбекистон Республикасида тутилган тақдирда) – фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган ота-онанинг (ёлғиз отанинг ёки онанинг) Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси кўрсатилганда»;

5) **19-модданинг иккинчи қисми** «назарда тутилган шарт» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасида тутилган ва яшаб келаётган ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **28-модданинг биринчи қисмидаги** «фуқаролиги олинганлиги» деган сўзлар «фуқаролиги қабул қилинганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин; **иккинчи қисмидаги** «фуқаролиги олинганлиги» деган сўзлар «фуқаролиги қабул қилинганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **37-модданинг иккинчи қисмидаги** «яшаш жойидаги» деган сўзлар «яшаш ёки вақтинча турган жойидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **38-модда: биринчи қисмининг учинчи хатбоши** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«паспорт ёки идентификацияловчи карта (яшаш гувоҳномаси); **иккинчи қисмининг учинчи хатбоши** «паспорти» деган сўздан кейин «ёки идентификацияловчи картаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин; **учинчи қисми** «паспорт» деган сўздан кейин «ёки идентификацияловчи карта» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **39-модда биринчи қисми:**

учинчи хатбоши «паспорт» деган сўздан кейин «ёки идентификацияловчи карта» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбоши «паспорти» деган сўздан кейин «ёки идентификацияловчи картаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **43-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мансубликни аниқлаш шахсининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги мансублигини аниқлаш тўғрисидаги аризаси ва аризага илова қилинган ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мансубликни аниқлаш Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг ваколатли органи сўрови бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин»;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ариза берувчида унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги мансублигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда ариза берувчида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки идентификацияловчи картаси ёхуд Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжудлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат берилди»;

бешинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки идентификацияловчи картаси ушбу Қонун 5, 6, 13 – 16 ва 32 – 36-моддаларининг талаблари бузилган ҳолда олинганлиги факти аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки идентификацияловчи картаси ички ишлар органининг хулосасига асосан олиб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки идентификацияловчи картаси олиб қўйилаётган шахс мазкур хулосадан норози бўлган тақдирда, у ўзининг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мансублиги ёки мансуб эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун судга мурожаат қилишига ҳақли»;

11) **45-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида кириб келганлиги ва доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўн беш йил ва ундан ортқ йил давомида доимий яшаб келаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар»;

олтинчи хатбоши ёқтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

12) **51-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини ушбу Қонунда белгиланган тартибда олган шахсга қуйидаги ҳужжатлар берилди:

ички ишлар органи томонидан – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи картаси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжудлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

консуллик муассасаси томонидан – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжудлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тугатилган шахсга ички ишлар органи томонидан Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси берилди.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тугатилган шахс Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетаётганда унга ички ишлар органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳужжати берилди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш рухсат этилган шахсга, шу жумладан болага Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тугатилганлиги тўғрисида маълумотнома берилди»;

13) **55-модда 1-банди биринчи хатбошининг ўзбекча матнидаги** «Кенгашилсин» деган сўз «Мажлиси палаталарининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда муҳояти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 14 июнь
№ ўРҚ—696

←1 Чунки реал ҳаётда манзара бошқача. Пекин декларацияси ва гендер тенглиги соҳасидаги муҳим ҳалқаро ҳужжат — Ҳаракатлар плат-формасининг 25 йиллиги муноса-бати билан БМТ берган расмий баёнотда айтилишича, чорак аср давомида дунёдаги бирорта мам-лакат декларацияни тўла рўёбга чиқаришга ҳатто яқинлашмади ҳам. Ҳужжатда, жумладан, барча қизлар ва аёлларнинг зўравонлик-дан холи ҳаёт кечириши, таълим олиш, эркаклар билан тенг меҳ-нат ҳақига эга бўлиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. БМТ маълумот-ларига кўра, сайёрамизда турли даражадаги раҳбарларнинг фақат 25 фоизга яқинигина хотин-қизлар ташкил этади. Ташкилот барча мамлакатларни Пекин дек-ларациясининг тамойилларини рўёбга чиқариш бўйича сайё-ҳара-катларни жадаллаштириш ҳамда хотин-қизлар аҳолини яхшилаш

да”ги, “Фуқароларнинг репродук-тив саломатлиги тўғрисида”ги, “Оила кодексининг 15-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Рес-публикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги қонунлар ана шулар жумласидан-дир. Уларни ишлаб чиқишда БМТнинг Тараққиёт дастури, Аҳолишунослик жамғармаси, Болалар жамғарма-си, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқарма, Миграция бўйича халқаро ташкилот, Халқаро меҳ-нат ташкилоти каби тузилмалари экспертлари иштирок этишди. Шунингдек, қатор Президент Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари кучга кирди. Аёлларга нисбатан зўравонлиқнинг олдини олиш борасидаги ишларни кучай-тириши, эскирган урф-одатларга қарши курашни кўзда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритил-

ди. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда-ги гендер тенглиги тамойилига мос келмайдиган номувофиқлик-ларни бартараф этишга, уларни қўллаш жараёнида аёлларни камситиш эҳтимоли юзага кела-диган нормаларни аниқлашга қаратилган мажбурий гендер-ий ҳуқуқий экспертиза жорий этилди. Ҳаракатлар стратегияси дои-расида, шунингдек, БМТ Барқар-ор ривожланиш мақсадларини 2030 йилгача бўлган даврда амал-га ошириш ва эришиш бўйича ишларни изчил ташкил этиш мақ-садида Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш ҳамда бар-ча аёллар ва қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган 9 та вазифа ишлаб чиқилди. Уларга мувофиқ 2030 йилгача аёллар ва қизларга нисбатан камситишнинг барча турини бартараф этиш, гендер тенгликни, шунингдек, аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисо-дий ва маданий-гуманитар соҳа-ларга доир қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирокчини таъминлаш лозим бўлади.

Бундан ташқари, бошқарувнинг турли даражасида давлат дастур-ларини қабул қилиш жараёнида ҳам гендер тенглиги тамойилини оналарнинг фарзандлари, савод-сиз оналарнинг фарзандларидан кўра кунига икки соат кўпроқ шу-ғулланар экан. Қатор Farb дав-латларида ўтказилган ўрганишлар-да ҳам шуни кўрсатдики, она фар-занди туғилгунига қадар олган ҳар-чи йиллик таълим кейинчалик бо-ланинг математика ва ўқиш тез-лиги бўйича натижалари юқори-роқ бўлиб, қўшимча баллар оли-шига, луғат бойлиги ҳам сези-ларли даражада қўлайлишига олиб келар экан. Турли давлатлардан тўлган маълумотларни солиш-тириб, тадқиқотчилар шундай ху-лосага келишди: гендер масала-сидаги нотенглик ҳўкм сурувчи жа-миятларда камбағаллик, тўйиб ов-қатланмаслик, муҳтожлик даража-си юқорилиги ва касалланлиги ҳолатлари кўпроқ кузатилади экан.

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, САЛОҲИЯТНИ РЎЁБГА ЧИҚАРАМИЗ

Аёлларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш барқарор тараққиётга хизмат қилади.

сучин барча имкониятларни ишга сочилишга қақирди. БМТ Бош коти-бининг ўринбосари, “БМТ-аёллар” тузилмаси ижрочи директори Фумзиле Мламбо-Нгкуа айтган-дек, аёллар ҳамон оиладаги мажбуриятларнинг асосий қисми-ни ўз зиммасига олади, уларнинг иш ҳақи камроқ ва иш жойи унча-лик барқарор эмас.

Ҳуқуқлар тенг эмаслиги, таъ-лим олиш қийинлиги, ўз сиёсий қарашларини ифода этишдаги тўсиқлар фақат аёлларнинг ўзини ёмон аҳволга соляпти, деб ҳисоблаш тўри эмас. Жаҳон банки мутахассислари тадқиқотлари кўрсатишича, бу омиллар бутун жамятга зиён келтиради, дав-латларнинг, сайёрамизнинг риво-жини секинлаштиради. Турли да-дилларга кўра, гендер муаммо-лари натижасида инсон салоҳи-ятининг 45 фоизи фойдаланил-май қолмоқда.

Юқорида келтирилган фикрлар-ни тасдиқловчи қатор мисоллар мавжуд. Хусусан, Кенияда фермер аёлларга таълим олиш ва инве-стициялардан фойдаланишда эр-каклар билан тенг имкониятлар бе-риллиши қилшоқ ҳўжалиги маҳсу-лдорлигини тахминан 20 фоизга оширган. Ҳиндистонда ўқимишли оналарнинг фарзандлари, савод-сиз оналарнинг фарзандларидан кўра кунига икки соат кўпроқ шу-ғулланар экан. Қатор Farb дав-латларида ўтказилган ўрганишлар-да ҳам шуни кўрсатдики, она фар-занди туғилгунига қадар олган ҳар-чи йиллик таълим кейинчалик бо-ланинг математика ва ўқиш тез-лиги бўйича натижалари юқори-роқ бўлиб, қўшимча баллар оли-шига, луғат бойлиги ҳам сези-ларли даражада қўлайлишига олиб келар экан. Турли давлатлардан тўлган маълумотларни солиш-тириб, тадқиқотчилар шундай ху-лосага келишди: гендер масала-сидаги нотенглик ҳўкм сурувчи жа-миятларда камбағаллик, тўйиб ов-қатланмаслик, муҳтожлик даража-си юқорилиги ва касалланлиги ҳолатлари кўпроқ кузатилади экан.

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик маса-лалари қўмитаси тузилди. Гендер тенгликни таъминлаш масала-лари бўйича комиссия ташкил этил-ди. Бу эса мазкур соҳадаги қўнун-чилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиё-тини такомиллаштиришга қўмак-лашади. Тузилган Республика хо-тин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ватандошларимизни ҳар томонла-ма қўллаб-қувватлашни амалга оширади, БМТнинг Хотин-қизлар-га нисбатан камситишнинг барча турларини бартараф этиш бўй-ича конвенциясининг ҳамда Пекин ҳаракатлар платформаси ва Ҳаракатлар Миллий дастурининг асосий қоидаларини бажариш ма-салаларини мувофиқлаштиради.

Амалга оширилган ишлар на-тижасида хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштироки сезиларли даражада ортди, ушбу кўрсаткич 33 фоизга етди. Жум-ладан, аёлларнинг раҳбарлик ла-возимларидаги улуши 27 фоизни ташкил этди. 81 та вазирлик ва идорада 15 мингдан ортқ илгор ва ўқимишли аёллардан кадрлар захираси шакллантирилди.

Бугун олтига туманда аёллар ҳоким бўлиб ишлашяпти, йирик корхона, банк ва компанияларда, тадбиркорлик субъектларида би-ринчи раҳбар ўринбосарлари бўлган аёлларнинг сони кўп. Ва-килик органларига сайловларда хотин-қизларга кўпроқ овоз бе-рилмоқда. Сиёсий партияларда уларнинг улуши 44 фоизга фаровонлик ҳўкм суради.

Ўзбекистон хотин-қизларни камситишнинг турли шаклларидан ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилишни кўзда тутувчи бар-ча асосий халқаро шартномалар-га қўшилган. Соҳада 25 та қўнун ҳужжати қабул қилинган. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тўғрисида”ги , “Хотин-қизларни тазийқ ва зўра-вонликдан ҳимоя қилиш тўғриси-

да”ги, “Фуқароларнинг репродук-тив саломатлиги тўғрисида”ги, “Оила кодексининг 15-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Рес-публикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги қонунлар ана шулар жумласидан-дир. Уларни ишлаб чиқишда БМТнинг Тараққиёт дастури, Аҳолишунослик жамғармаси, Болалар жамғарма-си, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқарма, Миграция бўйича халқаро ташкилот, Халқаро меҳ-нат ташкилоти каби тузилмалари экспертлари иштирок этишди. Шунингдек, қатор Президент Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари кучга кирди. Аёлларга нисбатан зўравонлиқнинг олдини олиш борасидаги ишларни кучай-тириши, эскирган урф-одатларга қарши курашни кўзда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритил-

ди. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда-ги гендер тенглиги тамойилига мос келмайдиган номувофиқлик-ларни бартараф этишга, уларни қўллаш жараёнида аёлларни камситиш эҳтимоли юзага кела-диган нормаларни аниқлашга қаратилган мажбурий гендер-ий ҳуқуқий экспертиза жорий этилди. Ҳаракатлар стратегияси дои-расида, шунингдек, БМТ Барқар-ор ривожланиш мақсадларини 2030 йилгача бўлган даврда амал-га ошириш ва эришиш бўйича ишларни изчил ташкил этиш мақ-садида Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш ҳамда бар-ча аёллар ва қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган 9 та вазифа ишлаб чиқилди. Уларга мувофиқ 2030 йилгача аёллар ва қизларга нисбатан камситишнинг барча турини бартараф этиш, гендер тенгликни, шунингдек, аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисо-дий ва маданий-гуманитар соҳа-ларга доир қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирокчини таъминлаш лозим бўлади.

Бундан ташқари, бошқарувнинг турли даражасида давлат дастур-ларини қабул қилиш жараёнида ҳам гендер тенглиги тамойилини оналарнинг фарзандлари, савод-сиз оналарнинг фарзандларидан кўра кунига икки соат кўпроқ шу-ғулланар экан. Қатор Farb дав-латларида ўтказилган ўрганишлар-да ҳам шуни кўрсатдики, она фар-занди туғилгунига қадар олган ҳар-чи йиллик таълим кейинчалик бо-ланинг математика ва ўқиш тез-лиги бўйича натижалари юқори-роқ бўлиб, қўшимча баллар оли-шига, луғат бойлиги ҳам сези-ларли даражада қўлайлишига олиб келар экан. Турли давлатлардан тўлган маълумотларни солиш-тириб, тадқиқотчилар шундай ху-лосага келишди: гендер масала-сидаги нотенглик ҳўкм сурувчи жа-миятларда камбағаллик, тўйиб ов-қатланмаслик, муҳтожлик даража-си юқорилиги ва касалланлиги ҳолатлари кўпроқ кузатилади экан.

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик маса-лалари қўмитаси тузилди. Гендер тенгликни таъминлаш масала-лари бўйича комиссия ташкил этил-ди. Бу эса мазкур соҳадаги қўнун-чилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиё-тини такомиллаштиришга қўмак-лашади. Тузилган Республика хо-тин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ватандошларимизни ҳар томонла-ма қўллаб-қувватлашни амалга оширади, БМТнинг Хотин-қизлар-га нисбатан камситишнинг барча турларини бартараф этиш бўй-ича конвенциясининг ҳамда Пекин ҳаракатлар платформаси ва Ҳаракатлар Миллий дастурининг асосий қоидаларини бажариш ма-салаларини мувофиқлаштиради.

Амалга оширилган ишлар на-тижасида хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштироки сезиларли даражада ортди, ушбу кўрсаткич 33 фоизга етди. Жум-ладан, аёлларнинг раҳбарлик ла-возимларидаги улуши 27 фоизни ташкил этди. 81 та вазирлик ва идорада 15 мингдан ортқ илгор ва ўқимишли аёллардан кадрлар захираси шакллантирилди.

Бугун олтига туманда аёллар ҳоким бўлиб ишлашяпти, йирик корхона, банк ва компанияларда, тадбиркорлик субъектларида би-ринчи раҳбар ўринбосарлари бўлган аёлларнинг сони кўп. Ва-килик органларига сайловларда хотин-қизларга кўпроқ овоз бе-рилмоқда. Сиёсий партияларда уларнинг улуши 44 фоизга фаровонлик ҳўкм суради.

Ўзбекистон хотин-қизларни камситишнинг турли шаклларидан ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилишни кўзда тутувчи бар-ча асосий халқаро шартномалар-га қўшилган. Соҳада 25 та қўнун ҳужжати қабул қилинган. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тўғрисида”ги , “Хотин-қизларни тазийқ ва зўра-вонликдан ҳимоя қилиш тўғриси-

да”ги, “Фуқароларнинг репродук-тив саломатлиги тўғрисида”ги, “Оила кодексининг 15-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Рес-публикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги қонунлар ана шулар жумласидан-дир. Уларни ишлаб чиқишда БМТнинг Тараққиёт дастури, Аҳолишунослик жамғармаси, Болалар жамғарма-си, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқарма, Миграция бўйича халқаро ташкилот, Халқаро меҳ-нат ташкилоти каби тузилмалари экспертлари иштирок этишди. Шунингдек, қатор Президент Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари кучга кирди. Аёлларга нисбатан зўравонлиқнинг олдини олиш борасидаги ишларни кучай-тириши, эскирган урф-одатларга қарши курашни кўзда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритил-

ди. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда-ги гендер тенглиги тамойилига мос келмайдиган номувофиқлик-ларни бартараф этишга, уларни қўллаш жараёнида аёлларни камситиш эҳтимоли юзага кела-диган нормаларни аниқлашга қаратилган мажбурий гендер-ий ҳуқуқий экспертиза жорий этилди. Ҳаракатлар стратегияси дои-расида, шунингдек, БМТ Барқар-ор ривожланиш мақсадларини 2030 йилгача бўлган даврда амал-га ошириш ва эришиш бўйича ишларни изчил ташкил этиш мақ-садида Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш ҳамда бар-ча аёллар ва қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган 9 та вазифа ишлаб чиқилди. Уларга мувофиқ 2030 йилгача аёллар ва қизларга нисбатан камситишнинг барча турини бартараф этиш, гендер тенгликни, шунингдек, аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисо-дий ва маданий-гуманитар соҳа-ларга доир қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирокчини таъминлаш лозим бўлади.

Бундан ташқари, бошқарувнинг турли даражасида давлат дастур-ларини қабул қилиш жараёнида ҳам гендер тенглиги тамойилини оналарнинг фарзандлари, савод-сиз оналарнинг фарзандларидан кўра кунига икки соат кўпроқ шу-ғулланар экан. Қатор Farb дав-латларида ўтказилган ўрганишлар-да ҳам шуни кўрсатдики, она фар-занди туғилгунига қадар олган ҳар-чи йиллик таълим кейинчалик бо-ланинг математика ва ўқиш тез-лиги бўйича натижалари юқори-роқ бўлиб, қўшимча баллар оли-шига, луғат бойлиги ҳам сези-ларли даражада қўлайлишига олиб келар экан. Турли давлатлардан тўлган маълумотларни солиш-тириб, тадқиқотчилар шундай ху-лосага келишди: гендер масала-сидаги нотенглик ҳўкм сурувчи жа-миятларда камбағаллик, тўйиб ов-қатланмаслик, муҳтожлик даража-си юқорилиги ва касалланлиги ҳолатлари кўпроқ кузатилади экан.

Экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ушбу соҳада куза-тилаётган тенденциялар аёллар-нинг давлат ҳокимиятининг энг юқори бўғинларидаги иштирокини кенгайтириш, парламент, ҳукумат ва суд ҳокимиятидаги сонини кўпайтириш, гендер тенгсизлиги-ни бартараф этиш бўйича умум-жаҳон жараёнидаги мувофиқ кеч-моқда. Ўзбекистонда 2019 йил охи-рида бўлиб ўтган парламент сай-ловлари натижасига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари таркибида аёллар 32 фоизни, Олий Мажлис Сенати таркибида 25 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбеки-стон 45-ўринни эгаллаб, Германия, Канада, Австралия, АҚШ ҳамда Марказий Осиё давлатлари, умуман, 130 та давлатни ортда қолдирди.

Олий таълим соҳасида ҳам жи-д-дий ўсиш бор, у ерда хотин-қиз-лар улуши 40 фоизга етди.

хисобга олган ҳолда, мулоқотга равиблик қилиш Ўзбекистон Рес-публикасида топширилди.

Т

ҲАР БИР МАҚСАД — АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА

Давра суҳбатида мавзуга оид масалаларда хорж тажрибалари, бу борада юртимизда олиб борилаётган самарали фаолият ва ислохотларнинг истиқболлиги ҳақида ахборотлар эшитилди. Тадбирда фуқаролар учун хавфсиз меҳнат шaroити, аҳолининг барча қатлами учун барқарор ва муносиб иш ўринлари яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига алоҳида урғу берилди.

Табиат муҳофазатчилиги — устувор вазифа

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофазат қилиш масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинган давра суҳбатида Барқарор ривожланиш соҳасидаги 11-мақсад этиб белгиланган "Шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг миллий мақсадлар ҳамда суғорилар бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборотлари эшитилди.

Бугунги кунда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан вилоят марказлари, Нукус ҳамда Тошкент шаҳарларида атроф муҳитга таъсир хавфи юқори бўлган 685 та корхона ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосига, сув муҳитига таъсирини ҳамда ерларнинг ифлослантирилиши бўйича мониторинг қузатилади олиб борилмакда.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, 2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасидаги йирик саноат корхоналарида чанг-газларни тутиб қолтириш самардорлигини яна-

да оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Унда 53 та корхонадаги 294 та чанг-газ тозалаш ускунасини таъмирлаш ҳамда атмосферага чиқарилаётган зарарли моддаларни камайтириш кўзда тутилган.

13-банд бўйича қандай ишлар қилинди?

Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳафталиги доирасида "Ўзбекистонда иқлим ўзгариши: сабаблари, юзага келиши мумкин бўлган оқибатлари ва унга қарши курашиш стратегияси" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари қатнашди. Барқарор ривожланиш мақсадларининг 13-мақсади айнан иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши кураш бўйича тезкор чораларни қабул қилишга бағишланган. Соҳадаги миллий мақсад ҳамда вазифаларни амалга ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинган ва унда 2030 йилгача бўлган даврда миллий мақсад ҳамда миллий вазифалар, уларни амалга ошириш учун масъуллар аниқ белгилаб берилган.

Тадбирда, шунингдек, қарорда тегишли вазирлик ва идораларга иқлим ўзгаришига ас таъсир чораларини миллий даражада сиёсатга, стратегияга ҳамда режалаштиришга киритиш, муассасалар, ташкилот ва корхоналарнинг иқлим ўзгариши оқибатларининг олдини олиш, уларга мослашиш, хавфли иқлим ҳодисаларининг таваккалчилигини эрта оқолданириш бўйича хабардорлиги, маълумотлар тарқатилишини ҳамда имкониятларини яхшилаш вазифа қилиб белгилангани қайд этилди.

Барқарор инфратузилма яратилиши керак

Барқарор инфратузилма яратиш, кенг қамровли ва барқарор индустриализация ҳамда инновацияларга кўмаклашиш мақсадларида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўтказилган давра суҳбатда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутatlари, БМТ тузилмалари, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар масъул ходимлари иштирок этиди.

Тадбирда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Э. Гадовев Барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадларнинг мамлакатни ривожлантиришнинг асосига айланиб бориши ақин ўн йилликда кенг қамровли ҳамда барқарор инфратузилма, индустриализация, инновациянинг ўрни ва аҳамияти янада орттишига олиб келишини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, транспорт хизматлари ҳажми ўсиб бораётганига қарамай, ҳудудий ва трансчегаравий инфратузилмани ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган муаммолар ҳамда соҳанинг иқтисодийдаги улушини пасайтираётган омиллар ҳам қайд этилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда кенг қамровли ва барқарор инфратузилма, индустриализация, инновациянинг ўрни ҳамда аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда тегишли дастурлар ва стратегияларни амалга ошириш учун ресурсларни сафарбар этиш ҳақида ҳамда истиқболлари, улардан фойдаланишда манзиллик ва самардорлигини ошириш, қўрсатилаётган хизматлари сифатини ошириш ҳамда бошқа мавзулар муҳофиза қилинди.

«Халқ сўзи».

ЖОРИЙ ҲАФТА КҮН ТАРТИБИДАН ЎРИН ОЛГАН РАСМИЙ ТАДБИРЛАР

Брифингда ўтган ҳафтанинг энг асосий воқеаси — Президентимизнинг Тожикистонга расмий ташрифи борасида ҳам тўхталиб ўтилди. Давлат раҳбарларининг асосий музокаралари Душанбе шаҳридаги "Қасри Миллат" қароргоҳида бўлиб ўтти, очик ва амалий рухдаги музокаралар якунлари бўйича 35 та ҳужжат имзолангани, Ўзбекистон — Тожикистон инвестиция компаниясини ташкил этиш, янги технологиялар ҳамда тоғ-кон саноати бўйича ҳамкорлик, Зарафшон дарёсида ГЭС қуриш, юклар транзити тўғрисидаги келишувлар улар орасида энг муҳимлари экани айтилди. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти ташрифи арафасида ўтган ишбилармон доираларнинг учрашувларида умумий қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган шартномалар ва инвестиция келишувлари имзоланди. Умуман айтганда, Президентимизнинг Тожикистонга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаб, янги босқинга кўтарди.

Ўтган ҳафта давомида давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизнинг муҳим соҳаларини ривожлантиришга оид

бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, жорий ҳафтада ҳам Президентимизнинг кун тартиби тизим бўлиши, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасига оид масалалар ҳамда тақлифлар (биринчи навбатда, онкология ва гематология йўналишларида) ҳамда Тошкент вилоятининг Татаристон билан ҳамкорлиги юзасидан тақдимотлар, олий таълим соҳасидаги ислохотлар ҳамда жорий йилги қабул жараёнига тайёргарлик бўйича вида дунёселектор ўтказилиши белгилангани маълум қилинди.

— Шу йилнинг 15 июни куни Президентимизнинг Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумат ишлари бўйича вазир Ал-Гергави ва 16 июнь куни эса Татаристон Президенти Рустам Минниханов билан учрашувлари мўлжалланган, — деди Ш. Асадов. — Шунингдек, 17-18 июнь кунлари эса давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига сафари режалаштирилган.

Брифинг якунида Президент матбуот котиби Ш. Асадов журналистлар томонидан берилган саволларга жавоб қайтарди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади



ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ РЕЕСТРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Археология мероси объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар ўтказилди.

Юртимиз ҳудудида даврлар ва буюк воқеалар нишонларини сақлаб келаётган қўлаб тарихий ҳамда маданий ёдгорликлар мавжуд. Мейморнинг дурдоналар, археологик ёдгорликлар, ноёб тоғималар, шунингдек, қадимги доғишманлик ва диний дунёқараш хусусиятлари билан уйғулланган алатлар ҳамда қабилаларнинг турли хил урф-одатлари, анъаналари Ўзбекистон халқининг фан ва маданият бойлиғига айланган.

Мазкур қонун лойиҳаси соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, қонунчиликдаги бўшлиқлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Лойиҳада илмий асосланган терминологияни акс эттириш, археологик ёдгорликларнинг ягона электрон давлат реестрини

ни жорий қилиш, давлат кўриқхонасини яратиш оқали археологик жойлар ва археологик буюмларни ҳисобга олиш тизимини ислох этиш масалалари ўз аксини топган. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг археологик меросини ҳар томонлама сақлаш, тарихий-маданий мерос объектларини ўрганиш, уларни давлат томонидан муҳофазат қилиш ва оммалаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим омил бўлади.

Семинарда депутатларнинг саволларига тегишли вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари батафсил жавоб берди. Шунингдек, қўмита аъзолари томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан қатор тақлиф ҳамда тавсиялар билдирилди.

АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИГА ОИД ЯНГИ ТАРТИБЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда депутатлар "Қишлоқ ҳўжалиги кооперацияси тўғрисида"ги, "Судлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги, "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини манфаатдор идоралар мутасаддилари иштирокида муҳокама қилди.

Фракция аъзолари дастлаб "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Амалдаги қонун ҳужжатларида ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг қусизлиги ҳамда уларда бўшлиқларнинг (хумлардан, ваколатли органларнинг назорат қилиш соҳасидаги вазифалари, жамоат жойларидан тамакисиз муҳит яратиш учун масъул бўлган шахсларнинг мажбуриятлари белгиланмаган) мавжудлиги натижасида қонунчиликда белгиланган қоидалар ва чекловлар риоя этиш даражаси паст. Шунингдек, замонавий тамаки

(никотин) маҳсулотининг айланмасини тартибга солиш масалалари амалдаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топмаган. Бу эса аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бундай маҳсулотларни истеъмол қилишни оммалаштирмоқда.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ижро механизмларини такомиллаштириш кўзда тутилган. Хусусан, никотин этказиб бериш электрон тизимлари, никотинли суюқликлар, тамаки буюмлари, тамакинни қидириш тизими, тамаки ҳамда никотинни истеъмол қилиш учун мосламалар (жумладан, чиллим) тамаки маҳсулотига тенглаштирилмоқда ва тамаки маҳсулотига белгиланган чекловларнинг уларга тааллуқли бўлиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, ваколатли давлат органларининг рўйхати кенгайтирилиб, уларнинг ваколат ҳамда вазифалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Йиғилишда кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам партия позицияси ва электротат манфаатлари юзасидан қўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Муносиб КАРИМОВА.

Сенат қўмитасида

СУВ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазирининг ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун мавжуд ирригация ва мелiorация тизимларини реконструкция қилиш, янгиликларни қуриш ҳамда сув ресурсларини бошқариш учун замонавий технологияларни амалиётга жорий этишни талаб қилади.

Бу борада Қорақалпоғистон Республикасида 2021 йил 1 июнь ҳолатига республика бюджети маблағлари ҳисобидан 18,7 млрд. сўм сарфланиб, 25,9 км. узунликдаги каналлар ва 1 та кўприкни реконструкция қилиш ишлари бажарилган ҳамда 0,3 км. қирғоқда ҳамма ишлари амалга оширилган.

Бундан ташқари, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 2,07 млрд. сўм маблағ сарфланиб, 232,8 км. ирригация тизимларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари рўйбга чиқарилган. Жорий йилнинг ўтган даврида Оролбўйида 142 гектарнинг 108 гектарида томчилатиб суғориш, 34 гектарида ёмғирлиб суғориш технологиялари ишга туширилган.

Умуман, ҳудудда 2021 — 2023 йилларда 1 минг 622 та сув ҳўжалиги объектини бошқариш, сувни ҳисобга олиш ва мониторинг юритиш рақамли технологиялари режа қилинган бўлиб, ҳозиргача 192 тасида шундай қурилмаларни ўрнатиш ишлари бажарилмоқда.

Шунингдек, тадбирда сенаторлар томонидан ҳудудда сув ресурсларини бошқаришга хоржий инвестицияларнинг жалб қилиниши масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек Жаҳон банки билан ҳамкорликда 2015 — 2021 йилларга мўлжалланган 214,9 млн. долларлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бугунги кунгача 101,2 млн. доллар ўзлаштирилган.

Сенаторлар томонидан 2021 йилда сув танқис бўлаётгани, унинг салбий оқибатлари жойларда сезилаётгани, шу муносабат билан сув танқислигини юмшатиш, сувдан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш масаласи мамлакатимизда, айниқса, Қорақалпоғистонда долзарб масалалардан бири эканлиги ҳам айтиб ўтилди.

Бу борада сув омборларидаги сув ресурсларидан фойдаланишни тўлиқ назоратга олиш, айниқса, улардан сув чиқаришни қатъий равишда аниқ ҳисоб-китобларга асосланган буюртмалар бўйича амалга оширишни йўлга қўйиш, сув манбаларидан олинаётган обихаёт ҳамда суғориш ишлари мониторингини жорий этиш зарур эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори ижроси юзасидан парламент назорати ўрнатилгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан сенаторлар, Жўқорги Кенгес депутатлари жойларга чиқиб, ўрганишлар олиб бормоқда.

Тадбирда Сенат Кенгаши қарори билан шакллантирилган идораларро ишчи гуруҳ "Йўл харитаси" ва "Медиа режа" ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам кенг муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Польша:

ЮКСАК ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Маълумки, Ўзбекистон дунёда халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини қатъий мустаҳкамлаб борапти. Сунги йилларда парламентларо алоқалар кўлами кенгайиб, фаолият сифати янгилангани ҳам бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳамкорлик

Ташқи сиёсатнинг фаол иштирокчиси

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, ташқи сиёсат йўналишларида фаол иштирок этиб келаётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Бинобарин, кўйи палатада халқаро парламентларо ташкилотлар, хоржий давлатлар парламентлари билан ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқинга кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Хусусан, тегишли кўша қарорга мувофиқ, Олий Мажлиснинг хоржий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича гуруҳлари ва комиссияларининг ишлари фаоллаштирилмоқда, амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар олиб бориляпти.

Бунинг учун манзилли дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ижроси изчил таъминланмоқда.

Зеро, бугунги кунда парламент дипломатияси мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим ресурси бўлиб, миллий манфаатларни илгари суриш ва уларни ҳимоя қилишда тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Бу, биринчи навбатда, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ўзгаришлар ва жаъит ҳаётида парламент роли ортиб бориши билан боғлиқ.

Парламентларо гуруҳлар ҳамда комиссиялар сони кескин ошди

Кейинги йилларда мамлакатимиз Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламентларо

Ассамблеяси, Парламентларо Иттифок, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентларо Ассамблеяси каби нуфузли ташкилотларга аъзоланишни қайта тиклади, Туркий тили давлатлар Парламентлари Ассамблеяси билан алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг хоржий мамлакатлар парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳлар ҳамда комиссиялар сони кескин равишда ошди.

Парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари хоржий давлатлар қонун чиқарувчи органлари билан алоқаларни ривожлантириш учун доимий майдон вазифасини ўташи борабарада чет эллик ҳамкорлар билан очик, конструктив ва жонли мулоқот олиб боришининг қулай механизми ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, 2015 — 2019 йиллар давомида жами 28 давлатнинг қонунчилик органлари билан ҳамкорлик гуруҳлари фаолият олиб борган бўлса, 2020 йилда уларнинг сони 43 тага етди. Жумладан, 42 давлат ва Европа Иттифокни парламенти билан ҳамкорлик гуруҳлари ташкил қилинди.

Шуларга уйғун тарзда ҳозирги кунда ЕИ ва унга аъзо давлатлар, хусусан, Польша билан бу борадаги ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатлар замонавий босқинга кўтарилиши диққатга сазовор. Бу бегиз эмас. Зотан, Польша нафақат Европа Иттифокни таркибидоги, балки дунё мамлакатлари орасида аънаваный равишда мамлакатимизнинг муҳим ҳамкорларидан бири ҳисобланади.

Юртимизда Польша капитални иштирокида кўпбал корхоналар ташкил этилган бўлиб, улар энергетика, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика каби иқтисодийнинг муҳим

тармоқларида фаолият юртияпти. Икки давлат ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини ошириш ҳам асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган.

Узоқ йиллик тарихга эга ришталар

Аслида ўзбек ва поляк халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар кўп йиллик тарихга эга. Хусусан, XIX аср ўрталарида чор Россиясига қарши кўзғол кўтарган поляклар Урта Осиёга сургун қилинган эди. Улар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қўқон каби шаҳарларда яшаб, меҳнат қилишган. 1895 йили Тошкентда поляк болалари учун мактаб ва кутубхона очилган. Яна икки йилдан кейин поляклар жамоатчилиги маданият маркази ташкил этилган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Польшани немис-фашист қўшинларидан озод қилиш учун бўлган жангларда ўзбек генерали Собир Раҳимов Данциг (Гданск) яқинида ҳалок бўлган. Шу уруш оқибатида ва оммавий қатағонлар сабабли полякларнинг минтақамизга иккинчи кўчиши содир бўлди.

Ўтган йилларда икки миллат вакиллари ўзаро аҳил ва иноқ яшаб келган, қувончи ҳамда қайғули кунларда елкадош бўлди. Бугун ушбу дўстона қадриятлар, ўзаро яқин ришталар янада мустаҳкамланиб бораётгани қувонарлидир. Польшалар ҳам Ўзбекистонда сунги йилларда бўлаётган ўзгаришларни илқ қутиб олиб, юксак баҳолашяпти.

Ислохотлар илик қутиб олинмоқда

Масалан, машур поляк дипломати, ўз вақтида мамлакат ташқи ишлар вазири ўринбосари лавозимда ишлаган Андейя Папез Президент Шавкат Мирзиёев томонидан юритилаётган дўстона ташқи сиёсат тўғрисида Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги муносабатлар янги босқинга кўтарилганини эътироф этди.

Унинг айтишича, меҳнатсеварлик ҳамда ишбилармонлик ўзбек ва

поляк халқларига хос фазилатлардир, бундай яқинлик ўзаро ҳамкорлик салоҳиятини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистонга ЕИ преференциялар бoш тизимининг бенефициари мақоми берилгани эса Польша билан ҳам икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини эътироф этиш лoзим. Бу эса ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги соҳасида фикр алмашиш кўламини кенгайтиришни тақозо қилади. Кейинги йилларда тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган кўп қиррали ҳамкорлик янги суръат касб этаётгани ҳам шундан далолат беради.

Таъриба ва фикр алмашиш узлуксиз давом этади

Умуман олганда, ҳозирда демократик янгиликлар, иқтисодий ислохотлар ва трансформация жараёнларида Польша билан ҳамкорлик ривожланиб бораётганини фақат ижобий баҳолаш мумкин. Бу жараёнларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Польша Республикаси Миллий ассамблеясининг Сейми билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳи ҳам муносиб иштирок этиб келмоқда.

Зотан, шу асосда парламентларо мулоқотни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Қонун ижодкорлиги соҳасида таъриба алмашиш бўйича ҳам конструктив алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш мақсади йўлидаги мазкур саъй-ҳаракатлар бундан буюн ҳам жадал давом эттирилади. Бунда Польша билан йўлга қўйилган парламентларо ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.

Мавлудохон ХўЖАЕВА, Ноҳир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари.

ИЗЛАНИШ ВА ЮТУҚЛАР НАМОЙИШИ

Ўзбекистонда фермерлик ҳаракати ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар нечоғли самара бермоқда? Соҳа вакиллари ўз имкониятларидан қанчалик фойдаланмоқда?

«Ташаббус — 2021»

Бу каби саволларга жавоб олишни истасангиз пойтхатимиздаги Ешлар иход саройига боришни тавсия қиламиз. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2021» кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтмоқда ва унда мамлакатимиз бўйича энг сара 69 нафар фермер, тадбиркор ҳамда ҳўнарманд ҳам бўлган.

Айни чоғда мажмуада ер эгалари томонидан етиштирилган қишлоқ ҳў



Ўзбекистон — Тожикистон: БИРГАЛИКДА КЕЛАЖАК САРИ



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИСЛОҲОТЛАРИ

Аввалига кўпчилик давлат раҳбарининг ислохотчилик гайратига шубҳа билан қаради, аммо беш йилдан сўнг Ўзбекистон янги босқичга кўтарилди.

Бугунги кунда мамлакат раҳбари топшириғи билан республиканинг деярли барча ҳудудиди маъна шундай парклар барпо этиляпти. Улар ёшларнинг стартап-лойиҳаларини ривожлантиришга қаратилган. Қолаверса, ҳар бир ҳоким ўз ҳудудидида ИТ-парк қуриш учун шахсан жавобгар этиб белгиланган.

“Бир нарсани тушуниш керак: илмсиз, инновацияларсиз биз ҳеч қачон ўз мақсадларимизга эриша олмаёмиз. Ҳисобот учун эмас, балки натижа учун ишлаш керак”, — дея Ўзбекистон Президентининг сўзларини келтиради “Asia-Plus”.

ОАВ, жамият, инсон ҳуқуқлари

Бир пайтлар Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги кескин чекланган эди. Уларга сиёсий масалалар, вазирилар, мамлакат раҳбарияти фаолиятини муҳокама қилиш, ҳокимиятнинг у ёки бу қарорини шубҳа остига қўйишга рухсат берилмаган. Шавкат Мирзиёев даврида вазият ўзгарди, деб ёзади эксперт. Давлат журналистларга мамлакатнинг ижтимоий ҳамда сиёсий ҳаётини ёритиш учун “яшил чироқ”ни ёқиб берди ва кўпга хорижий веб-сайтлар “блокировка”дан чиқарилди. Оммавий ахборот воситаларини кўллаб-қувватлаш учун жамоат фонди ташкил этилди, Президентнинг қизи Саида Мирзиёева унинг раҳбарлигидан бирига айланган.

Айни пайтда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳуқуқини танқид қилиш имкониятига эга. Хатто ҳудудлардаги журналистлар ҳам дадилроқ чиқишлар қила бошлашди. Инсон ҳуқуқлари бўлими, коррупция, мансабдор шахсларнинг бепарволиги — буларнинг барчаси Ўзбекистонда энди тақиқланган мавзулар эмас. Расмийлар катта акс садо берган мақолаларга жавоб беришяпти.

Ўзбек жамиятида оммавий ахборот воситаларининг шукрати ва аҳамияти тезда ўсди, мансабдор шахслар улар билан ҳамкорлик қилиш, уларга интервью беришни бошлади. 2019 йилги матбуот эркинлиги индексида Ўзбекистон ўз мустақиллиги тарихида биринчи марта “қора зона”дан чиқиб кетди.

Мамлакатнинг барча ҳудудидида Президент Халқ қабулхоналарини ташкил

этиш янги раҳбарнинг биринчи муҳим қадамларидан бўлганини ҳам айтиш жоиз. Мақсад — давлат раҳбари ва аҳоли ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон қамоқхоналаридаги сиёсий маҳбуслар, ҳуқуқ ҳимоячилари, диний арбоблар, журналистларни озод қилди, шафқатсиз қийноқлар билан танилган Жаслик қамоқхонасини

ғуллашиб, коррупциянинг гуллаб-яшнашига асос яратди.

Бинобарин, 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Президенти университетларда коррупцияга қарши кенг кўламли кураш бошлади. Ҳукумат янги технологияларни қўллади ва квоталар сонини 50 фоиздан зиёдга кўпайтирди. Давлат раҳбари олий ўқув юртига кириш учун

... Сўнги беш йил ичида Ўзбекистоннинг жаҳон аренасидаги нуфузи тубдан ўзгарди. Агар илгари мамлакат халқаро ҳамжамият томонидан улкан, аммо фойдаланилмаган салоҳиятга эга, унда одамлар қудратли махсус хизматларнинг таъсири остида яшайдиган ёпиқ давлат сифатида қабул қилинган бўлса, энди республика минтақанинг тан олинган ислохотчиларидан бири ҳисобланади.

ёпди. Ушбу қадамлар дунёда ижобий кутиб олинди. Хусусан, АҚШнинг Диний эркинлик бўйича комиссияси Ўзбекистонни фуқароларнинг диний эркинликлари бузилишига асос қилиб раҳбариятни танқид қилди, дейилади материалда.

Олий таълимда коррупцияга қарши кураш ва ўқитувчилар иш ҳақининг ўсиши

Сўнги ўн йил ичида аҳолининг юқори даражада ўсиши абитуриентлар сонининг икки баравар кўпайишига олиб келди. Бироқ талабаларни университетларга қабул қилиш квоталари ўзгаришсиз қолаверди. Талабнинг бу тақдир кескин кўпайиши олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари ўтказишнинг ноаниқ механизми билан уй-

ахратиладиган давлат грантлари улуш-ни икки баравар оширишни тақдир қилди. Кузатувчиларнинг фикрига кўра, энди университетларга кириш имтиҳонлари анча шаффофрок.

Таълим ислохотлари ўрта мактаб ва университет ўқитувчилари иш ҳақини икки баравардан зиёд кўпайтириш билан муштаракликка давом эттирилди. Масалан, жорий йилнинг 1 февралдан бошлаб ўқитувчиларнинг иш ҳақи ва стипендиялар яна ошди.

Мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши

Мажбурий меҳнат Ўзбекистон учун энг оғирлиқ масалалардан бири эди. Халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари пахта далалари, ҳосил йиғиш ва ободонлаштириш ишларида ўқитувчилар,

соғлиқни сақлаш ходимлари, талабалар ҳамда мактаб ўқувчиларининг “ихтиёр-мажбурий” меҳнатидан фойдалангани учун расмий Тошкентни доимий танқид қилиб келарди. Ўзбек пахтаси дунёдаги етакчи кийим ишлаб чиқарувчиларнинг “қора рўйхати”га кириб қолиши ҳам ажабланарли эмас эди.

Аввалига Шавкат Мирзиёев давлат ишчилари ва талабаларни пахта теримига чиқаришни озгаки равишда тақиқлади, кейин қонунчиликда мажбурий меҳнатга тақиқ жорий этилди. Натيجида 2018 йил сентябрь ойида Америка Қўшма Штатлари ўзбек пахтасини болан меҳнати эвазига ишлаб чиқарилган товарлар рўйхатидан чиқариб ташлади.

Мигрантлар хизматларини тан олиш

Илгари меҳнат миграцияси муаммолари очик муҳокама қилинмаган бўлса-да, улардан ҳар йили республикага қарийб 5 миллиард доллар келиб тушган.

Боз устига, муҳожирилари ватанга долик ва текинхўрликда айблаб келишарди. Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келиши билан меҳнат миждорларига муносабат тубдан ўзгарди, уларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига қўшган ҳиссаси тан олинди.

Мамлакатнинг янги қиёфаси

Шу ва бошқа ислохотлар натижасида сўнги беш йил ичида Ўзбекистоннинг жаҳон аренасидаги нуфузи тубдан ўзгарди. Агар илгари мамлакат халқаро ҳамжамият томонидан улкан, аммо фойдаланилмаган салоҳиятга эга, унда одамлар қудратли махсус хизматларнинг таъсири остида яшайдиган ёпиқ давлат сифатида қабул қилинган бўлса, энди республика минтақанинг тан олинган ислохотчиларидан бири ҳисобланади.

Энди бу диёрда дунёнинг турли бурчларидан хорижий сармоядорлар оқиб келмоқда, етакчи халқаро ташкилотлар мамлакатда минтақавий ваколатхоналарини очилляпти, бу заминга сайёҳлар сони сезиларли даражада кўпайди.

Албатта, Ўзбекистондаги вазиятни фақат “пушти ранг” билан кўрсатиш нотўғри бўлар эди — мамлакатда ҳали ҳам кўпга иқтисодий ва ижтимоий муаммолар мавжуд, дея таъкидлайди таҳлилчи. Аммо ривожланиш тенденциялари ҳамда вектори муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирча ушбу вектор жамиятнинг оқчилигини таъминлашга, одамлар ва хусусий бизнеснинг ўзига хос муаммоларини ҳал қилишга, қўшнилари билан самарали муносабатларни ривожлантиришга ҳамда бутун дунё билан мулоқот қилишга қаратилган. Ва бу сиёсат ўз натижаларини берапти.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИГИМИЗНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРАМИЗ



Шу йил 10 июнда Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар аёлларининг учинчи форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

Форум

Юқори даражада ўтган мазкур форум ШХТнинг халқаро ҳамкорлигининг нуфузли иштирокчиси сифатида ривожланишида муҳим роль ўйнаши ҳамда минтақадда гендер тенглиги ғояларини илгари суришга катта ҳисса қўшиши эътироф этилди. Айни чоғда пандемия пайтида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун имкониятларни кенгайтириш ва ШХТ мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштироки бўйича биргаликда самарали чоралар қўриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур форумнинг айнан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий сафари билан бир вақтга тўғри келгани, ушбу тадбирда Ўзбекистон делегациясининг тўлиқ таркибда иштирок этгани ҳар икки мамлакат ўртасида узаро ҳурмат, ишонч ҳамда яқин қўнчилигини алоқалари мустаҳкамланганининг амалий ифодаси бўлди.

Иштирокчиларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётининг барча жаҳасида хотин-қизларнинг фаолигини ошириш, уларнинг таълим ва касбий қўнчилар олиши ҳамда бандлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада кўллаб-қувватлаш, гендер тенглигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашга, билим ҳамда касб-ҳунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган хотин-қизлар киритилган “аёллар дафтари”ни шакллантириш ҳамда уларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда ҳал этиш бўйича ижобий таж-

рибани ўрганиш тақлифи билдирилди. Форум давомида ўнга яқин тадбиркор аёллар томонидан савдо-сотик, тўқимачилик, қурилиш маҳсулотлари етказиб бериш йўналишларида узаро ҳамкорлик бўйича шартномалар имзолангани эътиборга олини. Хусусан, “Зулфия бону чевар” МЧЖ билан “Тижорати Ҳайём” савдо ОАЖ ўртасида 1 миллион АҚШ доллари миқдорда трикотаж маҳсулотлари етказиб бериш, “Маданият Осие” ОАЖ ва “Топ Smart экспорт” корхонаси билан ҳам 1 миллион доллар миқдорда савдо-сотик шартномаси имзоланди. Тошкент вилоятида фаолият олиб борадиган “Ташлўлат строй инвест” МЧЖ аса Тожикистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи шубҳа корхонасини очиб буйича келишувга эришди.

Шунингдек, тадбир давомида Тожикистонда Ўзбек — тожик савдо уйини очиб масаласи ҳам муҳокама қилинди. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикасидаги расмий таширфи давомида Хўжанд шаҳрида ҳам бўлди. Бу ерда давлатимиз раҳбари таширфига катта тайёргарлик қўрилгани гувоҳ бўлди. Хусусан, Хўжанд шаҳри яқинидаги “Арбоб” маданият саройида Сўғд вилояти жамоатчилиги вакиллари, зиёлилари, нурунийлар билан учрашувда давлат раҳбарлари томонидан қисқа вақт ичида икки мамлакат ўртасида ишонч ва дўстлик муҳити яратилгани ҳамда савдо, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларини янада ривожлантириш борасида салмоқли ишлар қилингани алоҳида қайд этилди.

Умуман, форум бошқа давлатлар қаторида, Ўзбек ва тожик тадбиркор аёллари учун ҳам фойдали бўлди. Биз бундан кейин ҳам алоқаларини янада мустаҳкамлаш чораларини кўрамиз. Давлатларимиз муносабатларининг кучайиши бутун Марказий Осие минтақаси барқарор ривожланишига ҳисса қўлиши, шубҳасиз.

Малика ҚОДИРҚОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси.

«ТАРИХИЙ ЯҚИНЛИГИМИЗ БУГҮН ҲАЁТГА КЎЧМОҚДА»



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмоннинг тақлифига биноан расмий таширфи билан Тожикистонда бўлди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришгандан сўнг парламент қўшма сессиясидаги илк нутқда яқин қўшнилари билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши эканини таъкидлаган эди.

Орадан қисқа вақт ўтиб Президентимизнинг сиёсий иродаси натижасида бир дарабадан сув ичувчи икки қардош халқ — Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги кўп йиллик қулган узаро дўстона алоқалар янги босқичга чиқди.

Ўзбекистон билан Тожикистонни умумий тарих, узвий маънавий қадриятлар, қариндошлик ришталари боғлаб туради. Бизларни азалдан икки тилда гаплашувчи бир халқ, дейиш мумкин.

Президентларнинг узоқни кўлаб олиб бораётган ташқи сиёсат натижасида давлатларимиз ўртасида кўп қиррали ҳамкорлик ва узаро дўстона алоқалар янада юксалиб, стратегик шериклик даражасига етди.

Эътиборли жиҳати, 2017 йилдан буён икки мамлакат раҳбарлари ўртасида 8 мартабада икки томонлама учрашув ўтказилган. Қолаверса, 1991 йилдан буён икки мамлакат парламентлари вакиллари билан 20 дан ортиқ узаро таширфи амалга оширилган. Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг парламентларо гуруҳлари тузилган.

Маълумотларга таянсанк, Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини шу пайтгача имзоланган турли даражадаги 200 га яқин ҳужжатлар ташкил этади. Асосийси, булар фақатгина қоғозда эмас, ҳаётда ўз аксини топмок-

да. Буни рақамлар мисолида баён этсанк, узаро савдо ҳажми бир неча баробар ортиб, ўтган йили 500 миллион доллардан ошди, қўшма корхоналар сони 8 баробар кўпайиб, 200 дан ортиқ қўшма корхоналар ташкил этилди.

Ўзаро ҳамкорлигининг аниқ амалий мазмун касб этаётганининг яна бир ёрқин мисолини келтирсанк. Шу йилнинг 23 апрель куни Тожикистоннинг катта Ҳисор канали орқали Сурхондарё вилоятига сув ўтказилишига келишиб олиниб, канални таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб боришмоқда. Бундан Сурхондарё вилоятида сув танқислигини юмшатиш, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларига қауфлатли сув етказиб бериш мақсад қилинган.

Мазкур таширфи доирасида ҳам Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги узаро манфаатли ҳамкорлигининг муҳим соҳаларини қамраб олган 30 дан зиёд ҳужжатлар имзоланди. Буларнинг барчаси Тошкент ва Душанбе ўртасидаги кенг кўламли узаро алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Умуман, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “...тарихий яқинлигимиз бугун ҳаётга кўчмоқда”.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий таширфи мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-маърифий, адабий алоқаларни ҳам янги босқичга кўтарди.

Дарҳақиқат, ўзбек ва тожик халқларининг бу йўналишдаги ҳамкорлиги ўта ранг-баранг ҳамда серқирра бўлиб, тарихий-маданий муштараклик, урф-одатлар ва турмуш тарзидаги ўхшашлик асосига қурилган.

Газетамизга онлайн интервью берган тожикистонлик зиёлилар ҳам бу жиҳатни алоҳида эътироф этди.

Муносабат

Мунаввара ОЙМАТОВА, Хўжанд давлат университетини ўқитувчиси, шоира:

— Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистонда икки халқнинг маданияти ҳамда санъатини ўрганишга, узаро бойитишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Президентининг таширфи давомида имзоланган ҳужжатлар бу борада янада кенг имкониятлар эшигини очди. Хусусан, Маданий-гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги битим халқларимизнинг маънавий алоқаларини мустаҳкамлаш, ёшларимизни умумий манфаатлар атрофида жишлоштиришга йўналтирилган қатор лойиҳаларни кўзда тутди.

Ўзбекистонда тожик тилида газета ва журналлар чоп этилишидан, телекурсув ҳамда радиозиёнатлар эфирга узатилишидан хабаримиз бор. Уларни

Тожикистонда ҳам мунтазам кўзатиб боришди. Таълим тожик тилида олиб бориладиган мактаблар, бир қатор олий ўқув юртиларида шундай факультет ва бўлинмалар фаолият юритишидан эса доимо гурурланамиз.

Тожикистонда ҳам ўзбек қардошларимизнинг маънавий-маърифий фаолияти, ёшларнинг билим олиши учун барча қулайлик яратилган. Хусусан, Хўжанд шаҳрида Ўзбек маънавияти ва маърифати маркази, маҳаллий университетда Ўзбек филологияси бўйича мутахассислар тайёрлайдиган илмий мактаб фаолият юритиб келмоқда.

Узоқ тарихга ва мустаҳкам илдизларга эга ўзбек — тожик адабий алоқалари ҳам бугун изчил бойиб бормоқда. Ўзбек

ҳамда тожик ижодкорлари бир-бирининг асарларидан илҳом олиб, ўлмас асарлар яратиб келмоқда. Тожик адабиётининг танланган асарлари — антологияларини нашр этиш тақлифини илгари сургани шу жиҳатдан халқларимиз учун жуда қувонarli воқеа бўлди.

Адабиёт ва санъат хамиша халқлар яқинлашувига хизмат қилишини англаган мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзбек — тожик шоирларининг асарларини алоҳида китоб ҳолида чоп қилиниши, тақдимотлар ўтказилиши, бадиий кеналари ташкил қилиниши ҳам бош бўлишига ишончимиз комил.

Дарҳақиқат, ўзбек ва тожик икки тилда сўзлашадиган битта миллат, деган нақл бежиз пайдо бўлмаган. Динимиз, қадриятларимиз бир, энг кичик одатлардан тортиб тўй ҳамда маъракалардаги маросимларимизгача ўхшаш. Шу боис тожик ва ўзбек халқлари озгаки ижодида, тожик адабиётининг ўзбекистонда муҳаббати талай, десам, хато бўлмайди.

Ҳасанбой ҒОЙИБ, шоир ва таржимон, “Тожикистон Республикаси матбуот аълочиси” унвони соҳиби:

— Азалдан ўзбек ижодкорларининг Тожикистонда, тожик ижодкорларининг Ўзбекистонда китоблари чоп қилиб келинган. Шу боис бугунги кунда ҳам ўзбек адабиётининг Тожикистонда, тожик адабиётининг Ўзбекистонда муҳаббати талай, десам, хато бўлмайди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистонга таширфи чоғида Душанбе ва Тошкентда замонавий ўзбек ҳамда тожик адабиётининг танланган асарлари — антологияларини нашр этиш тақлифини илгари сургани шу жиҳатдан халқларимиз учун жуда қувонarli воқеа бўлди.

Адабиёт ва санъат хамиша халқлар яқинлашувига хизмат қилишини англаган мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзбек — тожик шоирларининг асарларини алоҳида китоб ҳолида чоп қилиниши, тақдимотлар ўтказилиши, бадиий кеналари ташкил қилиниши ҳам бош бўлишига ишончимиз комил.

Дарҳақиқат, ўзбек ва тожик икки тилда сўзлашадиган битта миллат, деган нақл бежиз пай-

до бўлмаган. Динимиз, қадриятларимиз бир, энг кичик одатлардан тортиб тўй ҳамда маъракалардаги маросимларимизгача ўхшаш. Шу боис тожик ва ўзбек халқлари озгаки ижодида, тожик адабиётининг ўзбекистонда муҳаббати талай, десам, хато бўлмайди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистонга таширфи чоғида Душанбе ва Тошкентда замонавий ўзбек ҳамда тожик адабиётининг танланган асарлари — антологияларини нашр этиш тақлифини илгари сургани шу жиҳатдан халқларимиз учун жуда қувонarli воқеа бўлди.

Адабиёт ва санъат хамиша халқлар яқинлашувига хизмат қилишини англаган мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзбек — тожик шоирларининг асарларини алоҳида китоб ҳолида чоп қилиниши, тақдимотлар ўтказилиши, бадиий кеналари ташкил қилиниши ҳам бош бўлишига ишончимиз комил.

Дарҳақиқат, ўзбек ва тожик икки тилда сўзлашадиган битта миллат, деган нақл бежиз пай-

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуринда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 648. 24 989 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девоухона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров. Мусахҳиҳ — Ш. Маираббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.15. Топширилди — 02.00. 1 2 3 4 5 6.